

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 30.12.2019 S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОИРОВА МАЛОҲАТ НУРАЛИЕВНА

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)

Зоирова Малоҳат Нуралиевна

Жамоатчилик назоратида оммавий ахборот воситаларининг ролини
ошириш механизмлари.....3

Зоирова Малоҳат Нуралиевна

Механизмы повышения роли средства массовой информации
в общественном контроле.....23

Zoirova Malohat Nuraliyevna

Mechanisms for increasing the role of mass media in public control.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 30.12.2019 S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОИРОВА МАЛОҲАТ НУРАЛИЕВНА

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус) Илмий кенгашнинг ik-sf@uz веб-саҳифаси, ЎзМУнинг www.puu.uz ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz веб-саҳифаси жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович фалсафа фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Нишонава Озода Джалолиддиновна фалсафа фанлари доктори, профессор в.б. Саидов Санжар Шавкатович Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.12.2019.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Ижтимоий фанлар факультети биноси, 511-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871)246-02-24; E-mail: info@puu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 47 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24; E-mail: info@puu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил 01 июль куни тарқатилди.
(2021 йил 01 июлдаги 30 - рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

К.М.Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.д.

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида жамиятни демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштириш жараёнларини жадаллаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартига айланди. Интернетнинг ривожланиши ва интеграцион жараёнлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролик жамияти олдида очиклиги ва ҳисобдорлигини мониторинг қилишда фуқароларни интерфаол иштирокининг кўплаб шакллари вужудга келтирди. Бу борада электрон демократия форматида жамоатчилик назоратини таъминлаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунёдаги кўплаб илмий тадқиқот институтлари ва аналитик марказлар томонидан давлат ва жамият муносабатларида жамоатчилик назоратини таъминлаш, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, АҚШдаги Ж.Кин номидаги демократияни ўрганиш Маркази, Германиядаги Корпоратив фуқаролик жамияти Маркази, Финландиядаги Жамоатчилик назоратини ўрганиш Маркази ва бошқа тадқиқот марказларида жамоатчилик назорати public advocacy (халқ ҳимояси), public watch (жамоатчилик назорати) йўналишида ўрганилмоқда. Уларда жамоатчилик назоратини фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ орқали таъминланиш механизмлари, самарадорлик мезонлари ва истиқболлари тадқиқ қилинмоқда.

Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти Конституция ва қонунлар билан тизгинланиб, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари кенг жамоатчилик назорати остида бўлади. Чунки, давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролик жамиятининг “ёлланма хизматкори” бўлиб, халқ олдида масъулдир. Айниқса, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш жараёнларини жадаллаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда халқ билан мулоқот, давлат органларининг фуқароларга хизмат қилиш тамойиллари муҳим аҳамият касб этмоқда. “Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Конституция ва қонун устуворлиги – ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2019. <http://uza.uz/>

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартириш-лардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”, 2020 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон “Жамоатчилик палатасини шакллантириш тўғрисида”ги қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислom Каримов ва Президент Шавкат Мирзиёевлар асарларида илгари сурилган жамиятимизда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш борасидаги янги стратегик ғоялар ва хулосалар ушбу жараён билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Жамоатчилик назоратига доир концепцияларнинг илмий-назарий асослари XVIII-XX асрлардаёқ шаклланган бўлсада, илмий ҳамжамиятнинг фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ва унинг ҳокимият институтларига таъсирини ўрганишга қизиқиши анча олдин пайдо бўлган. Бу борада фуқаролик жамияти ҳамда унинг назорат функциялари борасидаги талқинлар ҳамда мулоҳазалар муҳим илмий-амалий қийматга эга. Антик даврдаёқ Афлотуннинг “Давлат” асарида давлат қурилишининг турли шакллари нуктаи назаридан хусусийлик ва ижтимоийлик нисбатларини кўриб чиқилгани, Арастунинг давлат ва жамият муносабатларига доир қарашлари масаланинг узоқ тарихга эга эканини кўрсатади.

Жамоатчилик назорати борасидаги дастлабки тасаввурлар илк давлатчиликнинг вужудга келиши ва уларнинг жамият билан муносабатларига бориб тақалади. Жумладан, Форобийнинг фозил жамият ҳақидаги концепциясида фуқароларнинг давлат ҳокимияти фoлиятидаги иштироки ва назоратига доир салмоқли фикрлар учрайди. Жамоатчилик назорати сиёсий тартибот доирасида Ш.Л. Монтескье, Т. Гоббс, Ж. Локк каби мутафаккирлар томонидан илк бор илмий асосда изоҳланган бўлиб, ҳокимият фуқаролар томонидан назорат қилинишидаги меъёрларга эътибор қаратдилар². Ж.Ж. Руссо “ижтимоий шартнома” концепциясини илгари сураётган экан, у давлат томонидан ҳокимият ваколатлари халқ манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда қўлланиладиган бўлса, ижтимоий шартномага риоя қилмаслик кузатилишини айтиб ўтган. В. Гегель фикрича, жамоатчилик манфаатларининг химоя

² Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

қилиниши ва давлатда тартибни сақлаш фуқароларни ҳокимият вакиллари ўзбошимчаликлари ва ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишини таъминлайди.

Д. Тард “жамоатчилик назорати” тушунчасини илмий муомалага киритиб, ўз қарашларида жамият ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслиги, лекин мавжуд қонунлар фуқароларга ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб бориш имконияти беришини таъкидлайди. Э. Тофлер, Д. Белл каби олимлар инсониятнинг аста секин ахборотлашган жамиятга ўтиб бориши, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, ахборотлашган жамиятнинг уч ҳолати, ахборот жамиятининг ўзига хос хусусиятлари, жамиятдаги оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва оммавий ахборот воситаларининг моҳиятига таъсир кўрсатадиган технологик ўзгаришлар ҳақида ёзадилар.

Республикамизда давлат ва жамият муносабатларининг шаклланиши ва эволюциясининг турли жиҳатлари, жумаладан, жамоатчилик назорати таъминланишида оммавий ахборот воситаларининг роли сиёсатшунослик, журналистика, юридик фанлар доираларида ўрганилган. Ш.Пахрутдинов ноҳолис ва ёлғон ахборотларнинг давлат ва жамият учун катта таҳдид экани, О.Абдуазимов оммавий ахборот воситаларининг социологик муаммолари, Т.Алимардонов раҳбарлар фаолиятини назорат қилишнинг ахлоқий масалалари, О.Аллаяров Интернетдаги ахборот хуружлари, Н. Жўраев давлат ва жамият тараққиётида оммавий ахборот воситаларининг роли, Р. Жумаев давлат тизимида оммавий ахборот воситаларининг иштироки, Ж. Мавлонов давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг сиёсий жиҳатлари, А. Муминов, К. Мирзаахмедовлар жамиятнинг демократлашуви ва ахборотлашган жамиятнинг сиёсий масалалари, М.Қирғизбоев фуқаролик жамиятининг концептуал асослари, Ф.Мусаев, Х. Одилқориевлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ҳ.Ражабов глобаллашув шароитида давлатнинг ахборот сиёсати, Н.Умарова жамоатчилик билан алоқалар технологияларининг ўрни, И.Эргашев, Б.Тўйчиев, А.Ўтамуродов, Қ.Куранбаевлар давлат ва жамият муносабатларининг турли жиҳатлари, Ш.Қудратхўжа давлат ва жамият тараққиётида Парламент назоратининг аҳамияти, Б.Ҳасанов фуқаролик жамияти қуришда оммавий ахборот воситаларининг ролига доир³ тадқиқотларни амалга оширган. Уларнинг тадқиқотларида ўзбек миллий давлатчилиги тарихи ва назариясида демократик сиёсий тартиботнинг жамият ҳаётидаги ўрни, фуқаролик жамияти қуриш шароитида ОАВнинг роли, давлат ҳокимияти ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг аҳамиятига доир масалаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган.

Бугунги кунда демократик давлат қурилиши ва бошқаруви, ОАВ, жамоатчилик назоратига оид қатор тадқиқотлар ҳам яратилган⁴. Бироқ мавжуд илмий адабиётлар ва изланишлар таҳлили Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришда жамоатчилик назоратини шакллантириш ва бунда ОАВнинг ролини

³Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

⁴Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

ўрганиш алоҳида сиёсий фанлар бўйича мустақил тадқиқот сифатида тадқиқ этилмаганини кўрсатади. Бу эса тадқиқот мавзуини илмий ўрганиш объекти сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган ПЗ-2017093070 - сон “Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий грант дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш механизмларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жамоатчилик назорати – сиёсий тадқиқотлар объекти сифатида ўрганилиб, ушбу тушунчанинг мазмуни, кўринишлари, шакллари ва таснифларини амалга ошириш;

ижтимоий-сиёсий таълимотларда жамоатчилик назоратига доир ғоялар эволюцияси, уларнинг замонавий кўринишларидаги намоён бўладиган элементлари, хорижий тажрибалар ва улардан мамлакатимиз ҳаётида фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида олиниб, уларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни, мустақиллигини таъминлаш муаммоларини ўрганиш;

Ўзбекистонда жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш йўллари оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини, механизмларини ўрганиш ҳамда соҳага доир тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини фуқаролик жамияти қуришда оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир фаолияти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети жамоатчилик назоратида оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва уни амалга ошириш механизмларининг хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқий, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, прогнозлаш каби усуллар ҳамда тизимли, функционал ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОАВнинг жамоатчилик назорати воситасида давлат ҳокимияти органларининг қонун, қоида ҳамда қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиш фаолияти ва жамоатчилик билан мулоқотдаги ўзаро коммуникатив алмашинув, ижтимоий консенсус, ташкилий-мақсадли шаффофликни ошириши очиқ берилган;

жамоатчилик назорати субъектларининг мустақиллигини тўла қафолатлаш, назорат объектига бўлган таъсир механизмларини соддалаштириш, аҳолининг ислохотларга бўлган манфаатли, ижтимоий шериклик асосидаги иштироки давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини

ошириши асослаб берилган;

давлат ҳокимияти демократлигини кўрсатадиган тушунтириш бериш, ҳисобдорлик, очиқлик тамойиллари жамоатчилик назоратини халқ ҳокимиятининг муҳим инструментига айланиб бориши очиб берилган;

жамоатчилик назорати кўрсаткичлари миллий тизимини жорий этишда ОАВнинг бирлашган институционал, маълумотларга интерактив тарзда кириш имкониятини берадиган электрон жамоатчилик назоратини қўллашга доир (“Электрон жамоатчилик назоратини ташкил қилиш” қондасини жорий этиш, автоматлаштирилган ахборот тизимида “Жамоатчилик назорати электрон ресурс маркази”ни яратиш) тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратида оммавий ахборот воситаларининг роли шаклланишининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий тушунчалар асосланган;

давлат ва жамиятнинг мулоқот воситалари ва сиёсий жараёнлар устидан назоратни кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига кирган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларини илмий тушуниш, бунда ОАВнинг ролини илмий баҳолашга хизмат қилишида, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотлар ва уларни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, мавзу билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этишда фойдаланишда кўринади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти давлат ва жамият муносабатларида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилишида кўринади. Шунингдек, Олий таълим тизимида Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувида оид мавзуларни ўқитиш жараёнларида, ОАВ билан боғлиқ сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш жараёнини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

ОАВнинг жамоатчилик назорати воситасида давлат ҳокимияти

органларининг қонун, қоида ҳамда кодлар орқали тартибга солиш фаолияти ва жамоатчилик билан мулоқотдаги ўзаро коммуникатив алмашинув, ижтимоий консенсус, ташкилий-мақсадли шаффофликни оширишига доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 5 февралдаги 03/227-сон маълумотномаси). Натижада Агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлиги ҳолати ва даражасини таҳлил қилиш, миллий ахборот маконини мониторинг қилиш борасидаги чора-тадбирлар режасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамоатчилик назорати субъектларининг мустақиллигини тўла қафолатлаш ва уларнинг назорат объектига таъсир механизмларини соддалаштириш аҳолининг давлатга манфаатли, ижтимоий шериклик асосидаги ишончи, давлат идоралари фаолиятининг қонунийлигини ошириши борасидаги назарий хулосалари, амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2019 йил 27 декабрдаги 01/811-сон маълумотномаси). Натижада ЎзЭОАВМАнинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда миллий электрон оммавий ахборот воситалари ролини кенгайтириш, ОАВнинг замонавий бозорини яратиш, Телерадиоузатувчилар Хартиясида белгилаб қўйилган томошабинлар ва тингловчилар билан очиқ муҳосабага кўмаклашиш, жамоатчиликнинг давлат органлари ва мансabdор шахслар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ фаолиятини кўллаб-қувватлаш, бошқарув органлари ва халқ ўртасида бевосита алоқани амалга оширган ҳолда ҳукумат тузилмаларига уларнинг вазифалари бажарилишини ахборот кўмаги билан таъминлаш каби вазифаларини самарали амалга оширишга хизмат қилган;

давлат ҳокимияти демократлигини кўрсатадиган тушунтириш бериш, ҳисобдорлик, очиқлик тамойилларининг жамоатчилик назоратини халқ ҳокимиятининг муҳим инструментига айланиб боришига доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг 2020 йил 10 январдаги 01-23/68-сон маълумотномаси). Натижада Агентлик томонидан ахборот тўплаш ва уларни оммавий ахборот воситаларига, давлат органларига, муассасаларга, корхоналарга ва ташкилотларга, жамоат бирлашмаларига, фуқароларга етказиб бериш, давлат манфаатларини назарда тутиб ҳамда воқеаларни холис ва ҳар томонлама ёритиш принципларига, турмушни бутун чоралар билан демократиялаш ва одамий муносабатларни инсонпарварлаштириш негизида жамиятни жипслаштириш вазифалари, давлат ҳокимияти олий органлари фаолияти, уларнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир ҳаққоний ва аниқ ахборот олиш борасидаги вазифаларни

амалга оширишга хизмат қилган;

жамоатчилик назорати кўрсаткичлари миллий тизимини жорий этишда ОАВнинг бирлашган институционал, маълумотларга интерактив тарзда кириш имкониятини берадиган электрон жамоатчилик назоратини қўллашга доир (“Электрон жамоатчилик назоратини ташкил қилиш” қоидаларни жорий этиш, автоматлаштирилган ахборот тизимида “Жамоатчилик назорати электрон ресурс маркази”ни яратиш) хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилаётган ПЗ-2017093070-сонли “Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий грант дастури ва “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Фуқаролик жамияти” ва “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” номли ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 89-03-2235-сонли маълумотномаси). Натижада амалий грант доирасида амалга оширилган илмий ишланмалар ва ўқув қўлланмаларнинг илмий мазмунини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 7 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари чоп этилиши мумкин бўлган нашрларда 6 та, жумладан, 2 та хорижий журналда, илмий конференция материаллари тўпламларида 13 та, жумладан, халқаро илмий конференцияларда 3 та ва маҳаллий илмий конференцияларда 10 мақола нашрдан чиққан.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 135 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Жамоатчилик назорати – сиёсий тадқиқот объекти сифатида**” деб номланади.

Демократик жамият унинг маданий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий асосларидан қатъий назар, кўпфирклилик, қонун устиворлиги, қонунийлик,

сиёсий тенг ҳуқуқлилик, жамоатчилик назорати ва ҳукуматнинг жамиятга ҳисобот бериши сингари тамойиллар ва институтлар мавжудлиги билан белгиланади. Демократик жамиятга нисбатан бундай ёндашув нафақат мамлакатимиздаги, балки жаҳоннинг аксарият мамлакатлари сиёсий фанлар соҳасида эътироф этилсада, аммо “жамоатчилик назорати” тушунчасининг таърифи ҳали хануз мунозаралар мавзусидир. Ҳар қандай сиёсий тушунча сингари “жамоатчилик назорати” атамасини ҳам доктринал ва расмий талқини орқали кўриб чиқиш мумкин. Афсуски, атаманинг расмий таърифи бирорта қонун ҳужжатларида келтирилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида ҳам қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатли қайд қилинган. Қонунда жамоатчилик назорати субъектлари, объекти, принциплари, шакллари, натижалари келтирилган бўлсада, аниқ ва тиниқ ҳолда “жамоатчилик назорати” тушунчасига таъриф берилмаган. Диссертант фикрича, жамоатчилик назорати сиёсий фанлардан ташқари конституциявий ҳуқуқда ҳам ўрганилиб, давлат қурилиши тизимидаги жамоатчилик назорати институти ҳолати тадқиқ қилинади. Бунда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назорати, фуқаролар томонидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият томонидан амалга оширилаётган фаолияти, қонунийлик принципини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва миллий манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган фаолияти устидан кузатув ва текшириш тушунилади.

Диссертацияда жамоатчилик назоратининг жамоавий субъектлари сифатида ҳам мумтоз жамоатчилик уюшмаларини, масалан, иттифоқалар ва бирлашмалар, ОАВ, фуқаролик ташаббусларини амалга ошириш бўйича сиёсий йўналтирилган гуруҳлар ажратиб кўрсатилади. Муайян субъектни жамоатчилик назорати субъектига киритиш имконияти тўғрисидаги масала илмий адабиётда мунозара мавзуси эканлигини ҳам таъкидланади. Диссертант жамоатчилик назоратининг турли адабиётлардаги бошқа таснифларини ҳам ўрганиб, уларни амалга оширилиш вақтига қараб дастлабки, жорий, навбатдаги назоратларга фарқлайди. Назорат тадбирлари ўтказилишининг даврийлигига қараб тизимли, даврий ва вақтли назоратларга бўлади.

Диссертацияда жамоатчилик назоратини тақсимланишга боғлиқ ҳолда индивидуал ва жамоавий, ташқи ва ички, давлат ҳокимияти идоралари устидан жамоатчилик назорати, юридик шахсларнинг айрим турлари устидан жамоатчилик назорати ва бошқаларга таснифланади. Диссертант жамоатчилик назоратининг индивидуал ёки юридик шахсларнинг айрим турлари устидан бўладиган шакллари ўрганишга эътибор беради. Қатнашиш даражасига кўра жамоатчилик назоратини оммавий-ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари амалга оширадиган, гуруҳ-алоҳида ташкилотлар ва муассасалар томонидан индивидуал ва индивидуал фуқаро шаклларига бўлади. Ҳуқуқий яхлитлик даражасига қараб ҳам жамоатчилик назорати амалга оширилади ва улар миллий, институционал, тартибга солувчи ва норасмий

назоратни ўз ичига олади. Жамоатчилик назорати бирлаштирилган ёки институционал кўринишда ҳам амалга оширилиб, бу фуқаролик жамияти институтлари, авваламбор оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади. Бунда жамият ва давлатнинг ривожланиш муаммоларини, уларнинг сабабларини аниқлаш ва давлат томонидан сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдаги масъул шахсларни аниқлашни кўзда тутди. Пировардида жамоатчилик назоратининг бу шакли шахснинг, жамиятнинг қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятини яратди.

Диссертацияда “жамоатчилик назорати” тушунчасининг ижтимоий-тарихий илдизлари ўрганилади. Антиқ даврдаёқ Платоннинг “Давлат” асарида давлат ишларида “ҳокимиятга энг кам интиладиган”, бироқ катта ақл соҳиблари бўлган донолар бошқарадиган аристократияни энг яхши жамият, деб ҳисоблагани маълум. Фуқароларнинг давлат фаолиятидаги иштироки Аристотель ва Цицеронни ўзига жалб қилиб, улар ўз рисолаларида фуқароларнинг ҳокимият қарорларнинг адолати устидан назорат қилиш зарурлиги тўғрисида ёзганлар. Табиий ҳуқуқ назарияси вакиллари ва демократик либерализмнинг йирик мафкурачилари Ж. Локк, Т. Пайне, Т. Жефферсон, С. Монтескье асарлари кейинчалик қонунчилик ва фуқаролик жамияти доктринасининг асосини яратди ва кейинчалик Кант, Гегель, Штаммлер томонидан тўла ишлаб чиқилган. Уларнинг асарларида ижтимоий шартнома натижасида давлат ҳокимиятини фуқаролар томонидан назорат қилинишига катта эътибор қаратилган.

В. Гегель фикрича, жамоатчилик назорати давлат ва унинг бошқаруви идоралари ҳамда уларнинг амалдорлари ҳокимиятни суъистемол қилишларидан фуқароларни ҳимоя қилишни таъминлашдир. Бу бир томондан, уларнинг иерархияси ва жавобгарлигидан, бошқа томондан эса жамоалар, уюшмаларнинг ҳуқуқларидан иборат бўлиб, булар воситасида амалдорларга ишониб топширилган ҳокимият субъектив тарзда ўзбошимчалик қилишининг олди олинади ҳамда юқоридан бўладиган назорат куйидан бўладиган назорат билан тўлдирилади. Буюк Британиялик социолог П. Бергернинг замонавий одам жамиятнинг турли-туман институтлари томонидан олиб бориладиган кўп босқичли ва кўп томонлама ижтимоий назорат тизимига киритилгани борасидаги мулоҳазаси ҳам бу бу фикрни асослайди.

Диссертацияда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Буюк Британия, Япониянинг жамоатчилик назоратини шакллантириш борасидаги тажрибаларининг айрим илғор жиҳатлари ўрганилади. Шунингдек, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини шакллантириш, такомиллаштиришда халқаро ва хорижий тажрибадан фойдаланишнинг бир қатор сабаблари келтирилган. Бу борада диссертант фуқаролик жамиятининг демократик институтлари хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти ва унинг мансабдор шахслари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш жараёни анча узоқ тарихга эга бўлиб, унинг давомида кўплаб муваффақиятли шакл ва усуллар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилганини таъкидлайди. Иккинчидан, собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан

кейин Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат куришда давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва фаолиятининг ривожланган давлатлар модели асос қилиб олингани сабабли, жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш учун дунёнинг энг яхши шаклланиш моделларидан фойдаланиш мантиқан тўғри келади. Учинчидан, глобаллашув минтақавий давлатлараро интеграциянинг кўплаб жараёнларини тўхтатиб қўйди, бу эса давлат ҳокимияти устидан назоратни амалга оширишда жамоатчилик иштироки институтларини ривожланишининг янги босқичига олиб келди.

Ўзбекистон қонунларига киритилиши керак бўлган давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратининг ташқи шакллари орасида қуйидаги шаклни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу электрон жамоатчилик назорати бўлиб, унинг моҳияти аҳолининг (ҳам фуқаролар, ҳам жамоат ташкилотлари) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли ҳар қандай маълумотларга интерактив тарзда кириш имкониятини беради.

Диссертант фикрича, бизда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни янада такомиллаштиришда бу тажрибалардан фойдаланиш мумкин. Бу кейинчалик мамлакатимизда электрон демократия технологиясини амалга ошириш, жамоатчилик назоратининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, унинг натижаларини ҳисобга олиш лозим. Бу пировардида жамоатчилик назорати субъектларининг ўзаро ахборот ва технологик ҳамкорлиги учун “Электрон жамоатчилик назоратини ташкил қилиш”да автоматлаштирилган ахборот тизимининг имкониятларини оширадиган берилган “Жамоатчилик назорати электрон ресурс маркази”нинг яратилишига олиб келади.

Тадқиқот ишида хорижий тажрибада давлат ҳокимияти органларининг жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларининг фаолияти давлат бюджети, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фаол молиялаштирилиши ўрганилади ва буни Ўзбекистонда ҳам қўллаш мумкин, деган таклиф билдирилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти”** деб номланган.

Диссертацияда оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида ўрганилиб, унинг жараёнга ёрдам берадиган соддалаштириш ва стереотипинг, тасдиқлаш ва такрорлаш, ахборотни майдалаш, маълумотни тақдим этишнинг долзарблиги, материалнинг сенсационлиги каби бир нечта изчил усуллари таҳлил қилинган. ОАВ ҳокимият фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, шунингдек, ҳокимиятни жамият ҳаёти ва унинг хатти-ҳаракатларига муносабати хабардор қилишдаги самарали каналдир. Улар нафақат дунёдаги воқеаларни тезда акс эттирадилар, балки кўп жиҳатдан турли маълумотларни таҳлил қиладилар.

Жамиятда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари бўлишларини журналистлар, сиёсий шарҳловчиларнинг таъсири илҳомлантиради. Фуқароларнинг турли тоифалари манфаатларини ифодалаш функцияси оммавий ахборот воситаларининг ажралмас томонидир. Маълумки, сиёсий манфаатларнинг ифодаланиши, жумладан, жамоатчилик

назоратини амалга ошириш нафақат ОАВ, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, биринчи навбатда партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан ҳам амалга оширилади. Аммо оммавий ахборот воситалари ва телевидение кўпинча юзага келадиган муаммолар, ижтимоий ва сиёсий низолар тўғрисида биринчи бўлиб ҳокимиятни огоҳлантиради, уларни таҳлил қилишга ва тегишли ечимларни ишлаб чиқишга чорлайди.

“Матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонунлар қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг қаторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди”⁵. Юқоридаги вазифалар натижасида оммавий ахборот воситалари сиёсий барқарорлик ва жамият хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 1766 та матбаа корхонаси ўз фаолиятини олиб бораётганлигини, жами ОАВ сони 1597 тани ташкил этишини, шундан: 668 та газета, 355 та журнал, 4 та ахборот агентлиги, 69 та телеканал, 37 та радио, 464 та веб-сайт мавжуд⁶.

Диссертант барча давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги принципининг аҳамияти, давлатнинг ягона ахборот сиёсати концепциясини самарали амалга ошириш талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ахборот шаффофлиги концепциясини яратишга ўтишини таклиф қилади. Бунда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва уларнинг давлат билан муносабатларини ўрнатиши ўзаро маълумот алмашиш, шерикларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан билиб олиш ва ушбу маълумотларга мувофиқ ўзларининг фаолиятини шакллантириши ҳамда келажак учун режалар тузишларига шароит яратишини асослайди. Шунингдек, ОАВнинг тўла ижтимоий ролини бажариши учун “Оммавий ахборот воситаларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, “Блогерлик фаолияти тўғрисида”ги янги қонунларни қабул қилиш керак, деб ҳисоблайди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида⁷ ҳам Давлат органлари фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш

⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 500.

⁶ <https://www.gazeta.uz> // 4 июн 2018 йил.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони онун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон)

чора-тадбирлар дастури кўзда тутилгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонга фуқаролик жамиятини яратиш йўлида олға силжиш, энг муҳими келгусида ОАВ фаолиятида қонунни суистеъмол қилиш муаммосининг ечими, соҳани амалий ривожланишга хизмат қилишини таъкидлайди.

Диссертацияда ОАВ сиёсатнинг ажралмас қисми ва шунинг учун фуқаролик жамиятини барпо этиш воситаларидан бири сифатида баҳоланади. Давлатнинг сиёсий тизимини модернизация қилиш ва демократлаштириш фуқароларнинг сиёсий иштироки ҳажми ва даражасини кенгайтиришни тақозо қилади. Ушбу фаолиятни институционаллаштириш ҳокимиятнинг жамоатчилик билан алоқаларини ташкил этишда интеллектуал талаб ва фуқаролик жамиятининг муаммоларига оид билимларни ошириш, кейинчалик амалда қўллашни кучайтиради. Чунки, сиёсий жараёнлар ва тараққиётининг ўзи ҳам эркин ва фаол фуқаро, очиқ барқарор жамият, унинг давлат билан мулоқоти билан боғлиқдир. ОАВ орқали олинган ва узатилаётган маълумотлар нафақат баъзи фактларни объектив, фотосурат, тасвир билан ёритишни, балки уларнинг шарҳларини беришни ҳам ўз ичига олади. Олинган маълумотлар асосида одамлар сиёсий институтлар фаолияти, жамиятнинг маданий, иқтисодий ва бошқа соҳалари тўғрисида тасаввурга эга бўлади ва фикр юритадилар.

Жамиятда фуқаролик жамиятининг барча элементлари шаклланса ва унинг барча тамойиллари ҳамда шартлари ҳақиқатда мужассамланган бўлса, давлат жамиятнинг устидан тўлиқ “назорат”ни амалга ошириш имкониятини йўқотиб боради. Бу ҳолда давлатчилик ривожига таъсир қилувчи барча реал воситалар давлат органлари ваколатида эмас, балки фуқароларнинг “қўлида” бўлади. Давлат, бу ўринда жамият аъзолари, уларнинг ташкилотлари ва бошқалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва низоларни бартараф этишнинг муайян ҳуқуқий шаклига айланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида яна бир механизм жорий қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ижроси юзасидан аҳоли, сенаторлар, депутатлар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назорати механизмининг амалга оширилишини таъминловчи «Jamoatfikri.uz» порталининг ташкил этилиши ва йўлга қўйилишини таъминлайди⁸.

Диссертант фикрича, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар мавжуд ва улардан бири давлат ва жамиятни доимий равишда журналистик тизим ўз фаолиятини мустақил

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2018 й., 07/18/3962/2004-сон; 04.10.2019 й., 06/19/5846/3866-сон

равишда тартибга сола олиш қобилиятига ишонтириш керак. Бу каби муаммолар Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни белгиловчи ягона давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш истиқболлари”** деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришдек муҳим вазифалар қўйилган. Бу борадаги муаммолар тизими диссертацияда ҳам таҳлил қилиниб, жумладан, оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом рақобатнинг етишмаслиги, уларнинг фаолиятида жасорат ва шижоат, воқеа-ҳодисаларга жиддий, оқилона-танқидий ёндашувларнинг камлиги, ОАВни тўла қонли эркин фикр билдириладиган сиёсий минбарга айлантириш борасидаги масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, мамлакатимизда тарихан ҳукмрон бўлган фуқаролик жамияти ривожланишининг патерналистик моделининг оқибатлари, хусусан давлат институтларининг жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида самарадорлиги пастлиги, фуқароларининг фаоллиги сустиги сабабларидан бири сифатида ўрганилган.

Тизимдаги яна бир муаммо сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар нодавлат секторга мурожаат қилмасдан туриб, Интернет сайтларида ўзлари индивидуал ишлаши жуда муҳимдир. Чунки янгиликлардан қўрқадиган ва Интернетдан ҳеч қачон фойдаланмайдиган одамлар аксарият ҳолларда бирон бир фуқаролик жамияти институтининг фаолиятига ҳам қўшилмайди. Шунингдек, фуқароларнинг ижро ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисида хабардорлиги қанчалик юқори бўлса, унинг аҳолига йўналтирилгани шунча яхши бўлади. Чунки, хабардорликнинг паст даражаси жамоатчилик назорати субъектларининг функцияларини тушунишни қийинлаштиради. Шу сабабли ҳам фуқаролик жамиятини шакллантириш институтлари давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланишга муҳтожлиги асослаб берилган.

Мамлакатимизда давлат ва жамият муносабатларида ўзаро таъсирнинг кўплаб шакллари ҳали кенг тарқалмагани, рақобат эмас, бўйсунуш руҳининг устиворлиги, сиёсий тизим механизмларини сифат жиҳатидан ривожлантиришга қаратилган жамият ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик маданиятининг пайдо бўлиши катта вақт ва куч талаб қилади. Диссертант фикрича, бу борада иқтисодий рағбатлантириш, ижтимоий ва ҳуқуқ-атвор меъёрларини бирлаштирган яхлит ва мураккаб тизим яратиш, секторлараро муносабатларда кўплаб бўшлиқлар мавжудлиги ҳамда тегишли тартибда қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим.

Диссертацияда мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳам фуқаролик жамияти талабларини амалга ошириш, бу жараёнга ёшларни жалб қилиш, ижтимоий фаолликни ошириш имкониятлари, шахсий иштирок этишнинг реал механизмлари доирасини кенгаштиришда ОАВнинг имкониятлари ўрганилган. Айниқса, жамоатчилик назоратини таъминлаш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, улар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш каби масалалар ҳам таҳлил қилинган. “Барчангиз кўриб, билиб турибсиз, бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида очиқлик ва шаффофлик таъминланмоқда. Замон тез ривожланмоқда, халқимизнинг дунёқараши ўзгармоқда. Бу борада айниқса, оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнамоқда. Улар ҳаётининг муҳим масалаларга эътиборимизни қаратиб, муаммоларни ҳал этишда бизга кўмаклашмоқдалар. Демократик жамиятнинг асосий талабларидан бири ҳам шу”, - деди давлатимиз раҳбари.

